

## Адолатда қоим турган қози Шавконий



17:00 / 12.04.2022 3833

Бани Ҳашиш қабиласининг раисларидан бири қўшнисининг ерини эгаллаб олади. Улар қозига шикоят қилиб боришади. Қози имом Шавконий роҳимаҳуллоҳ эди. Шавконий масалани ҳал қилиш мақсадида ҳалиги раисни қозиликка чақиртириб қоғоз юборди. Раис қозиликка келишдан бош тортиб қози юборган қоғозни ўсимликка қўшиб сигирига едириб юборди ва қоғозни олиб борган қозининг элчисини қишлоқдан қувиб юборди. Элчи қози Шавконийнинг олдига келиб қишлоқи раиснинг қўпол ҳатти-ҳаракатидан шикоят қилди. Буни эшитган қози Шавконий қозиликдан бўшатишларини сўраб Яман ҳокимига қоғоз юборди. Қоғоз ҳокимга етиб борди. Ҳоким ўша пайтда Санъо шаҳрининг шимолидаги Заҳбон деган қишлоқда аъёнлардан бириникида зиёфатда эди. Ҳоким қозининг нега қозиликдан бўшашга қарор қилганини сўради. Унга бўлган воқеани айтишди. Ҳоким зиёфатни ташлаб чиқди ва тезлик билан Бани Ҳашиш

қабиласига келди. Пойтахт Санъога бироз қўшин билан «сарик тўп»ни юборишларини амр қилиб одам юборди. «Сарик тўп» ўша даврдаги энг катта тўп бўлиб давлатнинг кучини ифода қилар эди.

Тўп келтирилгач ҳоким ҳалиги раиснинг уйини тўпга тутишни буюрди. Унинг уйи қулатилди. Сигирини сўйишга амр қилди. Сигирнинг ошқозонидан қози Шавканийнинг чақирув қоғозини чиқариб олди. Сўнгра раисни занжирбанд қилиб Яман қозиларининг бошлиғи имом Шавканийнинг ҳузурига шаръий ҳукми татбиқ қилиши учун олиб борди.

Имом Шавканий роҳимаҳуллоҳ қозилиқда 41 йил қаддини тик тутиб турди. Адолатни қоим қилди. Зулм ва жаҳолатга қарши курашди. Аллоҳ раҳмат қилган бўлсин!

**Абдулқодир Полвонов**